

## ЕХХТ БОШ КОТИБИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь кунини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) бош котиби Хельга Шмид билан музокара ўтказди.

ЕХХТ билан ушбу ташкилот фаолиятининг учта — иқтисодий-экологик, сиёсий ва гуманитар йўналишларнинг барчасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масала-

лари муҳокама қилинди. Кейинги вақтда алоқалар фаоллашгани, очик ва конструктив мулоқот ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро ҳамкорликка 30 йил тўлган жорий йилнинг ўзида Ўзбекистонга ЕХХТнинг амалдаги раиси Збигнев Рау ва ЕХХТнинг Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмонов ташриф буюрди. Демок-

ратик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Парламент ассамблеяси ва ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш бўйича ҳамда 2026 йилга қадар даврга мўлжалланган Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш стратегияси доирасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сўхбат давомида ЕХХТ тузилмаларининг эксперт кўмаги, айниқса, Ўзбекистонда демократик ислохотларни давом эттириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Иқтисодиёт ва экология йўналишларидаги ҳамкорликни кучайтириш, "яшил" иқтисодиёт, рақамлаштириш, кичик бизнес ва экология со-

ҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинар экан, қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Афғон халқининг муҳим гуманитар эҳтиёжларини таъминлашга оид қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

ЎЗА

## САМАРҚАНДА «ЕВРОПА ИТТИФОҚИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ» ФОРМАТИ ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида 17-18 ноябрь кунлари "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" шаклида ташқи ишлар вазирлари учрашуви ва "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференция ўтказилмоқда.

Мазкур конференция доирасида "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказида Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда барқарор энергияни ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳасига бағишланган давра сўхбати ва "Марказий Осиё ёшлари овози" форуми ташкил этилди.

Минтақа давлатларидан энергетика бўйича миллий идоралар масъуллари ва экспертлар ҳамда ЕИ вакиллари иштирок этган давра сўхбатида Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган "Марказий Осиёда барқарор энергия боғлиқлиги" (SECCA) янги лойиҳаси ишга ту-

ширилгани маълум қилинди. Умумий бюджети 6,8 миллион евро бўлган SECCA лойиҳаси ЕИ илғор амалиётига мувофиқ ҳолда Марказий Осиёда янада барқарор энергия балансини рағбатлантиришга қаратилган таъкидланди.

Хусусан, лойиҳа барқарор энергетика тизимига ўтиш бўйича миллий сиёсатни кучайтириш, минтақага қайта тикланадиган энергия ва энергия самарадорлиги бўйича инвестиция жалб этиш, салоҳият ва хабардорликни оширишни назарда tutади. Минтақадаги сўнги ўзгаришлар истиқболли барқарор энергия боғлиқ-

лигининг ижобий белгиларидан далolat беради. Иқтисодий ўсиш ва аҳоли сони ортиши натижасида электр энергиясига талаб ҳам ортиши кутилмоқда. Ушбу талабни қондириш йирик инвестициялар, бозор ислохоти ва салоҳиятни ривожлантиришни тақозо этади.

— Ушбу лойиҳа Европа Яшил битими ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегиясига асосланади, — деди INTRA Бош директори ўринбосари Марета Жагер хоним. — Бу минтақада энергия барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, климат бўйича максималарга эришиш, иш ўринлари, бизнес учун қўшимча имкониятлар яратиш учун қуёш, шамол ва гидроэлектр энергияси борасида минтақа салоҳиятини ошириш каби мақсадларни

кўзлайди. Айни пайт минтақанинг муҳим барқарор энергия салоҳиятидан кўплай институционал, молиявий, техник ва ижтимоий тўсиқлар туфайли тўлиқ фойдаланилмапти. SECCA лойиҳаси ушбу тўсиқларни бартараф этиш, қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва минтақада энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давра сўхбатида лойиҳа экспертлари SECCA мақсадлари, режалаштирилган тадбирлар ва қўшилган натижалар ҳақида сўз юритди. Барқарор энергетика секторидаги ҳозирги ҳолат ва муаммолар ҳамда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликнинг келгуси истиқболли муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Хабар

## ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР ЯХЛИТ КОДЕКСГА УМУМЛАШТИРИЛАДИ

Семинарнинг Спикер ўринбосари Хайрулло Ғафоров кириш сўзи билан очиб, экологик соҳага оид қонунчилик ҳақида тўхталди.

— Сўнги уч йилда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари соҳага оид 10 га яқин қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва қабул қилинишида фаол иштирок этди. "Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида"ги, "Экологик аудит тўғрисида"ги, "Органик маҳсулотлар тўғрисида"ги, "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги, "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариш юбориш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этмоқда. Унинг қабул қилиниши экологик қонунларни яхлит бир қонунда умумлаштириш имконини беради, соҳада қонунни қўллаш амалиётини ҳамда жараёнини енгилаштириш ва соддалаштириш имкониятини яратади.

Шунингдек, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар кириши бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, жорий йилда депутатлар ташаббуси

асосида дарахт ва буталарга доир ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жавобгарликларни қайта кўриб чиқишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги ҳамда географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгариши тартибини такомиллаштириш юзасидан "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди, — деди Х.Ғафоров.

Қайд этилганидек, сўнги йилларда соҳага оид қабул қилинган қонунлар органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш, экологик аудиторлик фаолиятни тартибга солиш, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш, оқова сув чиқариш хизматлари кўрсатиш тизимидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Аҳолидан, айниқса, ёшлардан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар келиб тушмоқда. Бу эса ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнига бефарқ эмаслигидан далolat беради.

Мухтарам КОМИЛОВА,  
ЎЗА мухбири

Ифтихор

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ – ВАТАН ИҚБОЛИДЕК ЁРҚИН, ХАЛҚ ҒУРУРИДЕК САРБАЛАНД



**БАЙРОҚ** — давлатнинг тузумини, шу давлатда яшовчи халқнинг табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англададиган герб, миллий валюта, мадҳия каби энг муҳим тимсоллардан биридир.



Байроқнинг ёши нечада? Уни илк марта ким кашф қилган?

Тарихий манбаларда айтилишича, мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлиги ифодаси ҳисобланувчи бу рамзини яратиш гоёси илк бор минг йиллар муқаддам қадимги овчилар ва жангчилар орасида туғилган. Дастлабки байроқлар ҳайвон териси ёки қуш патларидан ясалгани ва уларда турли жонзотлар тасвирини акс эттириш анъанага айлангани ҳам шундан далolat беради.

Ҳозирги даврда давлат байроқининг аҳамияти айниқса, юксак мустақилликни, Чунки халқларнинг мустақиллиги учун кураши ва бу йўлда эришган ғалабаси тимсоллари, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида ҳам ўз аксини топмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

## МУНОСАБАТ

## ҚОНУНИЙЛИК ВА ХОЛИСЛИК – БОШ МЕЗОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь кунини одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказган йиғилишда судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масала эканини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, холислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилоқда. Сўнги олти йилда бу тизимга оид 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.



Давлатимиз раҳбари одил судловни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, вилоят судлари масъулиятини ошириш, жиноят ишини айблов хулосаси ва химоячи фикри билан бирга қабул қилиш назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш, Судьялар олий мактабини

тубдан ислох қилиш, туман вилоят судлари учун мол-мулк, оила, солиқ, меҳнат муносабатларига ихтисослашган судьялар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Судьялар ҳамжамиятининг ваколатларини кучайтириш, судьялар сонини босқичма-босқич кўпайтириш таклифи маъқулланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Қонун моҳияти

## Янги меҳнат кодекси

инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади



Мамлакатимизда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқлар Конституциямизнинг 37-моддасида белгилаб қўйилган.

Айни чоғда ушбу ҳуқуқлар Меҳнат кодексига ҳам мустаҳкамланган. 1996 йил 1 апрелдан кучга кирган амалдаги Меҳнат кодексига бугунги кунга қадар 40 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Меҳнат ресурслари ва корхоналарнинг сони ортаётгани, иқтисодиётимизда хусусий сектор улуши ошиб бораётгани

ни ва тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўплай қулай шароитлар яратиш мақсадлари янги Меҳнат кодексини ишлаб чиқишнинг тақозо этди. Бу вазифа 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Тарих тизимлари



## АФСУС ЧЕККАН ШОҲ

ёхуд Аврангзёб Оламшар набоматини

Бир неча аср мобайнида йирик салтанатни бошқарган Бобурийлар сулоласи вакиллари ҳақида кўплай маълумотлар сақланиб қолган. Айниқса, буюк аждоғларимиз томонидан Ҳиндустонда бунёд этилган, дунёнинг саккизинчи мўъжизаси дея ном олган "Тоғ маҳал" обидасининг маҳобати, улувдорлиги ва гўзаллигидан қалбимиз чексиз ғурур ва ифтихорга тўла. Ушбу муҳташам меъморий обида асрлар мобайнида севги ва вафо қасри сифатида етти иқлимдан келган сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

## Ифтихор

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ — ВАТАН ИҚБОЛИДЕК  
ЎРҚИН, ХАЛҚ ҒУРУРИДЕК САРБАЛАНД

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Башариёт тарихининг барча давларида халқлар учун ўз давлат рамзлари, хусусан, Давлат байроғи Ватан ва истиқлол рамзи сифатида азият ҳамда муқаддас саналган.

Шу маънода Ўзбекистонда — ҳали собиқ иттифок, унинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган бир пайтда — 1990 йил март ойидаёқ давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинган алоҳида эътиборга сазовор.

Орадан кўп ўтмай — 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва байроқ, герб, мадҳия каби давлат рамзларини ўзи тасвир этиши қайд этилди. Истиқлол бу борадаги изчил изланишларга янги куч ва илҳом бағишлади.

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда Давлат мустақиллигини эълон қилгач, мамлакат парламенти 1991 йил 18 ноябрда давлатимиз суверенитетининг рамзларидан бири — Давлат байроғини тасдиқлади. Шу кунни **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”** ги қонун қабул қилинди.

Давлат байроғи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий макомга кўтарилди. Асосий Қонуниимизнинг 5-моддасида **“Ўзбекистон Республикаси ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга”**, деган қоида белгиланди.



**“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”** ги қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўрт бурчак шаклидаги матодир”**.

Бунда: **Мовий ранг** — юртимиздаги барча миллатлар турли хил хавф-хатарлардан холи, эмин-эркин ҳолда аҳил-иноқ яшаб келаётган мусоффо осмонимиз ҳамда оби ҳаёт рамзи.

**Оқ ранг** — давлатимиз фуқароларининг ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирини ҳурмат қилиб, диний бағрикенглик таъминлаши асосида тинч-тотув яшаётганининг тими соли.

**Яшил ранг** — табиатнинг янгилини ҳамда она-юртимизнинг бепоён еру серҳосил далаларининг ифодаси.

Мамлакатимиз Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган. Ушбу тасвирлар ҳам халқимизнинг азалий қадриятларига асосланган муҳим тими соллардир.

Давлат байроғини кўтариш билан боғлиқ тартиб-қоидалар **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”** ги қонунда белгиланган. Шуни ҳам айтиш керакки, Давлат байроғи халқро майдонда мамлакатимиз расмий делегацияларининг хорижий давлатларга сафарлари чоғида, халқро ташкилотларда, анжуманларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида мамлакатимизнинг тими соли ҳисобланади.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тими соли сифатида ҳаммиша азият ва муқаддас рамзлар сифатида гоёт эъзозланган. Бунга бир ёрқин мисол: **“Жонажон Ватанимиз тими соли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат баҳо келтираман”**.

Бу сўзлар — давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 6 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқидан иқтибос.

Бу сўзлар — Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида эзгу ниятлар билан қадам қўётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз хурлиги, шаъни, қадр-қиммати тими солларига юксак муносабат ифодаси.

Бу сўзлар — мустақил давлатимиз суверенитетининг асосий белгиларини эъзоз-

лашнинг ёрқин намунаси.

Мамлакатимизнинг Давлат байроғи — ана шундай юксак эъзоз ва эътирофга муносиб давлат рамзидир.

Давлат байроғи — ҳар бир ўзбекистонлик учун она Ватан каби азият ва муқаддасдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда давлат рамзлари қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат байроғини ҳурмат қилишда фуқароларнинг зиммасига муайян мажбурият юкланади. Мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг мустақиллиги рамзи ва Ватанимиз тими соли — Давлат байроғи ўзида ўзбек халқининг асрий орзу-истаклари, шон-шарафи ва халқимизга хос меҳмондўстликни мўжасам этган. Шу боис Давлат байроғи барчамизнинг фахр-ифтихоримиз ифодасидир.

Янада муҳими, Давлат байроғини асраб-авайлаш, Ватанин севиш, жонажон халқимиз учун жонни фидо қилишга тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг энг олий бурчимиздир.

**Ғуллом МИРЗО,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист

## Муносабат

ҚОНУНИЙЛИК  
ВА ХОЛИСЛИК —  
БОШ МЕЗОН

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

2021 йил 18 февралда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”** ги қонунга мувофиқ учта муҳим ҳуқуқий институт — кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, жиноят иши бўйича дастлабки эшитиш, айбга иқроорлик тўғрисида келишув амалиётга жорий этилди.

Энди ушбу институтларнинг мазмун-моҳиятига тўхта-ладиган бўлсак, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш — гувоҳ ва жабрланувчини ишни судга қадар юришти босқичида прокурорнинг илтимосига асосан сўроқ қилиш бўлиб, бу суд томонидан амалга оширилади. Гувоҳ ва жабрланувчини объектив сабабларга кўра, кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қоладиган ҳолларда уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитиш жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бирлаштириш, айблов далолатномаси ёки хулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурув чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни прокурорга юбориш ҳамда номақбул далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади. Дастлабки эшитишнинг ўтказиш давомийлиги 10 суткадан ошмаслиги керак. Бу амалиётда турли палата-партишликлар ва ортиқча овор-рагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Айбга иқроорлик тўғрисида келишув — ўта оғир жиноят ҳисобланмайдиган жиноятлар бўйича айбга иқроор бўлган, жиноятни очигина кўмаклашган ва зарарни бар-тараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг илтимосига асосан прокурор билан тузиладиган институт ҳисобланади. Қонунчиликка мувофиқ айбга иқроорлик тўғрисида келишув тузилганда жиноятлар бўйича жазо белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган ҳолда тай-

инланади. Бу тарафларга энгиллик яратиши баробарида жамиятда инсонпарварлик таъминининг кенг ёйилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари ушбу қонун билан жиноят ишида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар кенгайтирилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Эндиликда шахс амалда ушланган ёки уни ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири яқунланган пайтдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунга қадар ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади. Тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи органлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан аризалар, тушунтиришлар ва кўрсатувлар олиш суриштирувчи, айбланувчи, судланувчидан аризалар, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади. Албатта, ҳимоячидан воз кесилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай янгилик адвокат-ра институтининг мавқеини мустаҳкамлаш ва тортишув принципининг кенг қўлланишига иқон яратади.

Ушлаб туриш мuddати шахс амалда ушланган пайтдан эътиборан кўпи билан 48 соатни ташкил этади. Илгари бу мuddат шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар таснифи мукаммаллашди. Бу ҳолатлар тоифасига, дастлабки эшитиш ўтказилаётган, ўта оғир жиноят содир этганиликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзида эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган ҳамда айбга иқроорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар киритилди.

Жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтартиш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш инс-

титуту тубдан такомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга холисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратди.

Бу ҳақда сўз борганда, айрим рақамларга тўхталиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, мамлакатимиз судлари томонидан 2017-2021 йилларда 3 минг 702 фуқаро оқланган, 20 минг 121 нафари суд залидан озод қилинган. Биргина шу йилнинг ўтган 10 ойида 760 шахс оқланиб, реабилитация қилинди. Суд залидан озод қилинган фуқаролар сони 6 минг 917 нафар бўлди.

Шу даврда 47 минг 340 судланганнинг 31 минг 318 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги жазолар тайинлангани, 1178 фуқаро шартли ҳукм қилингани ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ижобий ўзгаришларга яққол миқдор бўла олади.

Бундан ташқари 47 минг шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг 310 фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибиде 12 минг 43 шахсга нисбатан 8744 та жиноят иши кўриб чиқилди. 856 шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 2959 шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибиде 5221 шахсга нисбатан 5023 та жиноят иши кўриб чиқилди. 969 шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 441 шахсга чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди. Шунингдек, кассация инстанция-

сида 219 шахсга нисбатан 195 та жиноят иши такроран кўриб чиқилди. 123 шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 80 га яқин суд қарорри ўзгартирилди. Бир қарашда оддий сонлар йиғиндисидек туюладиган бу рақамлар ортида шунча кишининг тақдири ўз аксини топган бўлиб, улар ўз навбатида жамиятдаги ҳуқуқий маданият даражасини кўрсатувчи ўзига хос барометр ҳисобланади.

**Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.** Жумладан, судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

2020 йил 21 февралда Олий суд Пленуми “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди. Бундан кўзланган мақсад суд муҳокамаси ошқоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлашдир.

Ушбу қарорда қайд этилишича, суд муҳокамаси ошқоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлашдир.

Ушбу қарорда қайд этилишича, суд муҳокамаси ошқоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлашдир.

Оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас. Судьянинг суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью бериши ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиши тақиқланади.

Суд муҳокамаси ошқоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти

берилиши билан таъминланади.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, амалиётда ижтимоий фаол бўлган айрим шахслар ва блогерлар томонидан ушбу қонун талабларига зид равишда фаолият юритиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Улар суд фаолиятига асоссиз аралашиб, олдиндан турли тахминлар билдириш, биринчи ва апелляция судлари ҳукми ёки ажримларини нотўғри деб топиш, бир тарафнинг ёнини олиш билан шуғулланмоқда.

Яна бир муҳим масала жиноят ишлари бўйича чиқарилган суд қарорларига нисбатан шикоят бериш ваколати билан боғлиқ. Аниқроқ айтганда, қонунчиликда суд қарорларига нисбатан шикоят бериш ваколатига эга бўлган шахслар доираси қатъий белгилаб қўйилган. Аммо ушбу қонун талабларига зид равишда судланганларнинг қариндош-уруғлари ҳам жиноят ишини қайта кўриш ёки бошқа талаблар билан шикоят қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Бу омма ўртасида турли асоссиз тушунмовчиликларни келтириб чиқариши билан бирга, судьялар иш ҳажмининг сунъий равишда ошишига сабаб бўлмоқда. Энг ёмон, бу қимматли вақтнинг беҳуда соврилишига олиб келмоқда. Шу боис, фуқароларни қонун талабларига қатъий риоя этиш, ортиқча шикоятбозлик ва овор-рагарчиликларнинг олдини олишга даъват этишни жоиз топдик.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда судларнинг халқга янада яқинлашиши, судьялар ва суд ходимларининг халқ орасига кириб бориши суд фаолияти очиқлиги, холислиги ва шаффофлиги нисбатан жамоатчилик ишончини тубдан оширмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда судларнинг халқга янада яқинлашиши, судьялар ва суд ходимларининг халқ орасига кириб бориши суд фаолияти очиқлиги, холислиги ва шаффофлиги нисбатан жамоатчилик ишончини тубдан оширмоқда.

Оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас.

Судьянинг суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью бериши ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиши тақиқланади.

Суд муҳокамаси ошқоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти

**Иқром МУСЛИМОВ,**  
Олий суд раиси ўринбосари

**«Янги Ўзбекистон»**  
газетасининг 2022 йил  
16 ноябрь сонидан олинди)

**Урганчлик Мурод Қадамбоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёшлигидан оқ қинғирликни касб қилиб олди. Шу боис у қилмишлари учун беш марта қонуний жазога тортилди. Дастлаб 2014 йилда ўғирликка қўл ургани учун унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.**

Бирок у бундан тўғри хулоса чиқариб олмади. Орадан 5 ой ўтмасдан яна жиноят кўчасига қадам қўйди. Ўғирлик жинояти 2 йил-у 11 ой мuddатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан жазоланди. Қонун тарафидан берилган энгилликнинг қадрига етмаган М.Қадамбоев орадан бир неча ҳафта ўтгач, яна жиноятга қўл урди. Суд ҳукмига мувофиқ у бу гал 7 йил-у 6 ой мuddатга озодликдан маҳрум қилинди. 2015 йил 17 февраль кунини тақрибий ўғирлик ва ҳужжатларни қалбақлаштиригани учун унинг жазо мuddатига яна тўрт ойлик мuddат қўшиб берилди. Бўстонлик тумани судининг ажримига асосан эса, ўтмай қолган 3 йил 10 ойлик жазо мuddати ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилгач, М.Қадамбоев Хоразмга қайтди.

Халқимиз “ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” дея бежизга айтмаган. Бу ай-

нан М.Қадамбоевга ўхшаш кимсаларга тегишли. Гап шундаки, “сурункали” ўғирлик иллоти М.Қадамбоевнинг қон-қонига сингиб кетган экан. У даладдада қаровсиз қолган қорамолларни ўғирлаб, уларни ими-жимиде бозорга қақариб пуллашни режалаштирди. Ёнига ўзи сингари текин даромад илнжиде юрган кимсаларни тўплади. Хонқалик Сафар Ҳолиқовни шерик қилган М.Қадамбоев ўтган йилнинг 14 апрелга ўтар кечаси Урганч туманининг “Қоромон” маҳалласига йўл олди. Жиноий шериклар зовур бўйида боғлиқ турган сигирни машинага ортиб, Богот туманидаги мол бозорига олиб келишди. Арзон мол излаб юрган Ў.Ражаббоев аслида М.Тиллаевнинг бозор нархи олти миллион сўм бўлган сигирини уч миллион тўрт юз минг сўмга сотиб олди. Ўғирлар осон топилган пулни шу ернинг ўзидаёқ ўзаро бўлиб олишди.

Навбатдаги ўғирлик 9 май оқшомига белгиланди. Ҳамтовоклар Янгибозор туманининг Боголон қишлоғига етиб келишди. Қишлоқ четидеги “Хоразм фахри” фермер хўжалиги дала майдонида О.Матёкубовнинг қаровсиз қолган нархи 5,5 миллион сўмлик қорамолни ўлжага айланди. Ҳамтовоклар уни Ҳазорасп тумани мол бозорига олиб боришди. Бирок ҳали вақт эрта бўлгани учун қорамолнинг бири олдидаги бетон устунга боғлаб қўйишди-да, шоша-пиша яна ортага қайтишди. Машина тун ярмидан ошган чоғида Янгибозор туманидаги “Қиёт” маҳалласига етиб келди. Тунги шарпалар бу гал ҳам бир неча бош қорамол қаровсиз қолдириб кетилган таниш далага боришди. Иш яна хамирдан қил суғургандай тез ва осон битди. Бир бош қорамол ортил-

ган машина Ҳазораспга қайтиб келди. Аммо бир неча соат муқаддам устунга боғлаб кетилган қорамол аллақайда гоийиб бўлган эди. Шериклар чор-атрофдан ўлжани излаб тополмагач, уй эгасига бўзланишди. Анчайин синчков одам бўлган уй эгаси молни оғилхонасига боғлаб қўйгани, хаёлида гумон туғилгани айтиб, мабодо молни ўғирлаб олиб келмаганини суриштира бошлади. Устига-устак, бу бўйича ички ишлар идорасига хабар бериш лозимлиги, уни ходимлар иштирокида қайтариб олиши мумкинлигини билдирди. Буни эшитиб, ўғирларнинг пайтавасига кўрт тушди. Шу боис улар қилмиши ошқор бўлмаслиги учун ўғирланган қорамолдан воз кечиб, теъза бу ердан жуфтакни ростлаб қолишди. Бозорга кириб, иккинчи қорамолни атиги уч миллион сўмга сотиб юборишди.

## Жиноят ва жазо

## Тунги



Тарих тилсимлари

АФСУС ЧЕККАН ШОҲ

ёхуд Аврангзеб Оламгаир надомати

◀ (Бошланиши 1-бетда)

"Тож маҳал" бобурийзода ҳукмдор, Акбаршоҳнинг невараси, Жаҳонгиршоҳнинг ўғли шоҳ Жаҳон ташаббуси билан севиқли аёли Аржумандбону (Мумтоз Маҳал бегим) васиятига биноан 1632-1650 йиллар давомида бунёд этилган. Манбаларда айтилишча, бу йирик меъморий обидани бунёд этиш учун йигирма йилга яқин вақт керак бўлган. Унинг қурилишида турли ўлкалардан келган 20 минг нафардан ортқ кувручи ва меъморлар иштирок этган.

Шоҳ Жаҳон етук саркарда, қатъиятли ҳукмдор сифатидагина эмас, ўз севгисига садоқатли ва вафодор инсон сифатида ҳам тарих саҳифаларига муҳрланган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Аржумандбону шоҳ Жаҳоннинг тоғаси Осафхоннинг қизи бўлиб, беназир ақлу заковати, хусну малаҳати билан довруғ қозонган. У шоҳ Жаҳондан ўн тўрт нафар фарзанд кўрган, улардан олти нафари болалигидаёқ нобуд бўлган. Аржумандбону кенжа фарзандини дунёга келтираётиб, 1631 йилда 38 ёшида фоний дунёни тарк этган. Ўлими олдиндан эрига фарзандларига меҳрибон бўлишни, бошқа аёлга уйланмаслики, ўзига атаб бетакорр обида қуришни васият қилган.

Шоҳ Жаҳон маликанинг барча васиятларини сўзсиз бажо келтирган. У бутун умр аёлига садоқат билан яшаган. Унга атаб дунёда тенг-

сиз қасрни ҳам бунёд этган. Фарзандларидан ўз меҳрини дариг тутмасда-да, аммо улар отанинг бу муҳаббатига муносиб жавоб қайтара олмаган. Айниқса, шафқатсиз Аврангзебнинг қилмиши ҳаммасидан ошиб тушган.

Шоҳ Жаҳон катта ўғли Дорошуқунни Аврангзебдан аъло кўргани учун Дорошуқуннинг валиаҳд бўлиши ҳаммага равшан эди. Бироқ отаси кексайиб, кўзидан нур, белишдан қувват кетгач, Аврангзеб унга қарши бош кўтарган. Шоҳ Жаҳонни тахтдан ағдариб, ўзини шаҳаншоҳ дея эълон қилган.

Шафқатсиз ўғил отасини "Тож маҳал" рўпарасида, Жамна дарёсининг нариги қирғоғидаги Қизил қалъада ҳибсда сақлашни буюрган.

Ота умрнинг сўнгги йилларини тутқунликда азоб-уқубатлар ичида ўтказган. Аврангзеб отаси билан Қизил қалъада учрашиб, ундан ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечишни сўраган. Бироқ шоҳ Жаҳон бунга рози бўлмаган. Бундан қаттиқ ғазабланган Аврангзеб отасини тутқунликда асраб, акасини дин пешволари ҳукми билан айблаб, уни ўлимга маҳкум этган. Мулозимларнинг айтишича, ота суюқли ўғлининг ўлими ҳақидаги совуқ хабарни эшитиб, бир оҳ уриб, хушини йўқотган. У муттасил йўғлайвериб, кўз нуридан ажралган.

Шоҳ Жаҳоннинг катта қизи Жаҳоноро бегим отасининг холидан доимо хабар олиб турган. Тутқун ҳукмдор Қизил

қалъа қаршида ўзи бино этган "Тож маҳал"га термилган куйи омонатини топширган. Аврангзеб ўз айбини хаспўшлаш учун отасини шохона иззат-икром билан онаси Аржумандбонунинг ёнига дафн эттирган.

1707 йил 3 март куни 88 ёшда оламдан ўтган Аврангзеб умрининг сўнггида фарзандларига қуйдагича мактуб битган:

"Мен бу дунёга ёлғиз келгандим, ёлғиз кетяпман. Мен янгидан давлат тузмадим, раиятга қайишмадим. Ўтган кунлар таассуф ва пушаймондан бошқа нарса қолдирмади..."

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўқишқарли фактлар

Маълумки, дунёда ҳар куни одамлар доллар, евро, иен ва бошқа кўплаб пул бирликлари орқали маҳсулотлар сотишади ва харид қилишади. Албатта, бу оғатий ҳол. Аммо бу пул бирликлари қачон ва қай тарихга ўз номига эга бўлгани ҳақида ўйлаб кўрганимиз? Масалан, "доллар" сўзи қандай келиб чиққан? Ёки "иен" қандай маънони англатади? "Фунт стерлинг"чи?!

Куйида пул бирликларининг номлари тўғрисида ҳикоя қиламиз.

ДУНЁНИНГ ПУЛ БИРЛИКЛАРИ НОМИ



Авалло АҚШ пул бирлиги "доллар" ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу номнинг келиб чиқиши ҳам ўзига хос қизиқарли тарихга эга. Аниқроқ айтганда, ҳаммаси XVI асрда, Яхим кишлоғидан унча узоқ бўлмаган Йоахимстал водийига эгалик қилувчи граф Иеронимус Шлик "Йоахимсталерлар" деган номда қумуш тангалар зарб этганидан бошланган. Айтиш кераки, бу қумуш тангалар Йоахимсталдаги қумуш қони яқинида зарб қилинган. Кейинчалик бу шаҳар Яхимов номи билан аталган бўлиб, бугунги кунда у Чехия ҳудудига қиради. Айтишларича, "доллар" сўзи айнан "Йоахимсталер" деган атамадан келиб чиққан.

Янада аниқроқ айтидиган бўлсак, "Йоахимстал" сўзи лугавий жиҳатдан "Йоахим водийси" деган маънони билдиришида фойдаланиш кераклигини билдилади. Шу сабабли М.Омонкелдиева давлат хизматлари маркази Жиззах шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, "Фурқон Махид" масъулияти чекланган жамияти ташкил этади. У.Избосаровни жамият оператори вазифасига тайинлайди.

Масъулияти чекланган жамияти Низомига кўра, улар фаолияти фуқароларни чет элдога олийгоҳларга ўқишга кириши учун ҳужжатларни жамлаш ва топшириш, туризм, яъни аҳолини чет эл саёҳатида чиқшини ташкил этишдан иборат эди. Аммо улар қинғир йўлни танлашади.

У.Избосаров олий ўқув юртлирига ҳужжат топшириб, етарли балл тўплай олмаганларнинг исм-шарифи, яшаш манзили, фуқаролик паспорти серия рақами ва телефон рақамларини абитуриентлар базасидан топиб, рўйхат тузади ва М.Омонкелдиевага тақдим этиб туради. Фирибгарлар жаҳрланувчиларга юртимиз олий ўқув юртлиридан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Россия Федерацияси, Жанубий Корея Республикаси, Хитой, Италия, Туркия давлатлари ва Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли таълим даргоҳларидаги ўқишни таклиф этиб, қизиқтиришади.

Халқимиз "Қинғирликнинг қийғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади" деб бежизга айтмаган. Ушбу қилмишнинг ошқор бўлишига унчалик кўп вақт кетмади. Тез орада М.Омонкелдиева ва У.Избосаров қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлишди. Улар жаҳрланувчиларга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қолашди. Суд томонидан М. Омонкелдиева ва У.Избосаровга қилмишига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинланди.

Гувоҳи бўлганимиздек, мағзи пуч таклиф алдамчи кимсаларнинг найранги бўлиб чиқди. Хулоса шуки, ҳаётда фирибгарларга эмас, қонун талабига амал қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Мақсуд ЭРНАЗАРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Арнасой тумани суди раиси

па" деб аташган. Буни қарангки, орадан асрлар ўтиб, бу атаманинг географик кўлами кенгайиб кетди. Яъни бугунги кунда бутун бир қитъа шу ном билан аталмоқда.

1871 йили истеъмолга киритилган Япония пул бирлиги "иен" номи японча "ен" сўзи-дундан олинган бўлиб, "айлана" деган маънони англатади. Бундан ташқари Хитойнинг юан ва Жанубий Кореянинг вон пул бирликлари ҳам худди шундай маънода қўлланилади.

Тарихий манбааларда қайд этилишича, "иен" пул бирлиги муомалага киритилгунга қадар одамлар олди-сотди ишларини соф қумуш орқали амалга оширишган. Аниқроқ айтганда, ўша даврда танга эмас, балки қумуш қуймалари у ёки бу молга айирбош қилинган. XVIII асрда Испания ва Мексиканинг қумуш долларлари Хитойга етиб келганда, маҳаллий аҳоли бу пул бирлигининг кўринишига қараб, уни "қумуш айлана" деб аташган. Кейинчалик британияликлар Гонконгга қумуш тангалар зарб қилиб, унга "Гонконг доллари", деган ном беришган. Хитойда уларни "гонконг юани" деб аташган. Тез орада бу тангалар олис қунчиқар мамлакатга ҳам етиб бориб, "юан" японча талаффузга мослашиб "эн" деб атала бошлаган.

Японияга ташриф буюрган инглизлар японча "эн" сўзини бошқалар ҳам тўғри ўқишлари учун транскрипция билан "уен" шаклда ёзишган. Англиялик олим Жеймс Кёртис Хепбёрн (James Curtis Hepburn) биринчилардан буларнинг инглиз-япон лугатини тузган ва "е" товушини "уе" шаклда ёзган.

1830 йилдан бошлаб японлар ўзларининг қумуш тангаларини зарб эта бошлаган. Швейцариянинг пул бирлиги "франк"нинг ҳам ўзига хос қизиқарли тарихи бор. Кенг тарқалган тангалардан бири шуки, "франк" сўзи лотинча "francorum hex" (франклар қироллидан келиб чиққан. Бошқа бир тахминга кўра, "франк" пул бирлигининг номи "franc" сўзидан олинган бўлиб, "эркин", "ҳақиқий", "асл" маъноларини билдиради.

Дунёда кенг тарқалган яна бир пул бирликларидан бири рупи Хинд океани хавзасида жойлашган кўплаб мамлакатларда пул бирлиги сифатида ишлатилади. Бу пул бирлигининг номи санскритча "гуру" сўзидан олинган бўлиб, "зарб қилинган" ёхуд "тамғали" деган маънони билдиради.

Рупи илк марта 1539-1545 йилларда хинд ҳукмдори Шершоҳ хумронлиги даврида амалга жорий этилган. Бу пул бирлиги айниқса, Акбаршоҳ (1556-1605) даврида кенг тарқалди. Бу даврда 970-намуналу қумуш тангалар зарб қилинган. Ҳа, бу дунёда ҳар бир нарсанинг ўз тарихи бор...  
**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Икки кундан сўнг М.Омонкелдиева Элдорнинг телеграмм ижтимоий тармоғига Қозоғистондаги ўша университетга ўқишга қабул қилингани ҳақидаги маълумотномани жўнатди ва кўнғироқ қилиб, "дарслар онлайн тартибда бўлади, контракт тўловини тўлашингиз керак" дейди. Шундан сўнг бироз вақт ўтгач, Элдор М.Омонкелдиеванинг ишончасига боради ва унга контракт тўлови учун 3 миллион 500 минг сўм беради. М.Омонкелдиева фирма тўлови учун 7 миллион, контракт тўлови учун 3 миллион 500 минг сўм — жами 10 миллион 500 минг сўм тўлангани ҳақида маълумотнома ёзиб, Элдорнинг кўлига тутқазади. Маълумотномада "Asia Consult" масъулияти чекланган жамияти эмас, балки "Фурқон Махид" номли фирма муҳри болсилганди.

Бунинг сабабини сўраганида, М.Омонкелдиева "компаниямизнинг номи ўзгарди, биз давлат ташкилотидек" дея жавоб беради.

Шундан сўнг Э.Пўлатов М.Омонкелдиевадан университет билан тузилган контракт шартномасининг асл нусхасини беришни сўраб, кўп марта унинг олдида қатнади. Бироқ М.Омонкелдиева турли баҳоналарни рўқча қилиб, шартноманинг асл нусхасини бермайди. Охир-оқибат Элдор шу йилнинг февраль ойида масъулияти чекланган жамиятига борса, бошқа бир ташкилот хонани ижарага олиб, фаолият юритаётган экан. Менеджер М.Омонкелдиевани ҳам, оператор У.Избосаровни ҳам танийман, деган одамни тополмагач, Э.Пўлатов алданганига амин бўлади ва вилоят ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

Саидазим 2021 йилда Жиззах Политехника институтига ўқишга кириш мақсадида ҳужжат топширган, аммо етарли балл тўплай олмаганди. Бу йил эса, ўқиш ниятидан қайтиб, ишга кирганди.

Аммо ноябрь ойи ўрталарида унга М.Омонкелдиева кўнғироқ қилади. — Телефон рақамингизни сиз ҳужжат топширган институт абитуриентлар базасидан олдим, — дейди у "Asia Consult" менеджери эканини таъкидларкан. — Хоҳласангиз, келинг, сизни ўқишга жойлаштирамиз.

Бунни қарангки, олий таълим даргоҳида ўқиш ҳақидаги таклиф Саидазимга ҳам маъқул тушади. У ота-онаси билан маслаҳатлашгач, ҳолатбарор М.Омонкелдиеванинг хузурига йўл олади.

Қисқаси, улар учрашишгач, М.Омонкелдиева Саидазимга бир нечта олий ўқув юртлирининг номини айтиб, қайси бирида ўқиш истаги борлигини сўрайди. Саидазимга

Тошкент халқаро молия ва технологиялари нодавлат университети маъқул тушади. Ушбу олий ўқув юртига ҳужжат топшириши учун 7 миллион сўм тўлаши лозим экан.

Орадан уч кун ўтгач, М.Омонкелдиева Саидазимга кўнғироқ қилиб пулни сўрайди. Сўнгра унинг ўзи Саидазимнинг Жиззах шаҳрининг "Заргарлик" маҳалласидаги иш жойига келиб, ҳалиги маблагнинг ярми — 3 миллион 500 минг сўмини

долларини фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришганди.

Энди ўн икки ҳолатда такроран фирибгарлик жинояти содир этиб, ҳамюртларини алдов тузоғига илинтирган кимсаларнинг шахсига ойдинлик киритиш, қилмишининг бир қадар кенгайиб кетишига изн берган шарт-шароитга тўхталиш мавриди етди, назаримизда.

Одамларнинг ишончини суиистеъмол қилишнинг ҳадисини олган М.

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!  
**Мағзи пуч ТАКЛИФ**  
алдамчи кимсаларнинг найранги бўлиб чиқди

олиб кетади.

Саидазим пулнинг қолганини ўқиш ҳал бўлгач, беришини айтади. У М.Омонкелдиева ўзини олий ўқув юртига жойлаштиришига қаттиқ ишонган, ўшанда пул билан бирга ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжати, фуқаролик паспорти нусхаси, саккиз дона 3х4 ҳажмидаги фотосуратларни ҳам бериб юборганди.

Саидазим 2022 йилнинг февраль ойи тезроқ келишини интиқлик билан кутади. Чунки унга ўқиш ўша пайтдан бошланишини айтишганди. Лекин февраль ойи ҳам аллақачон ўтиб кетса-да, ўқишдан дарак бўлмади.

Кўнглини турли хил шубҳа-хавотирлар қоплаган Саидазим М.Омонкелдиевани ишончасига излаб боради, аммо уни тополмайди. Шундан сўнг кўнғироқ қилганида эса, М.Омонкелдиева узоқ жойда иш билан юрганини айтиб, уни алдайди. Кейинчалик унинг кўнғироқларига умуман жавоб бермай қўяди.

Фирибгар кимсаларнинг тузоғига тушганлар фақат Э.Пўлатов ва С.Абдуллаев эмас эди. М.Омонкелдиева ва У.Избосаров жаҳрланувчилар — Ш.Жўраев билан Қ.Бекназаровни 12 миллион, С.Қорақулова билан Ф.Тиркашеви 14 миллион, Ф.Бозорбоевани 8 миллион 612 минг, А.Мустановни 13 миллион 750 минг сўмга "чув" туширганди. Шунингдек, бу фирибгар кимсалар жаҳрланувчи Г.Ниёзқулованинг 1 миллион сўм ва 150 АҚШ доллари, М.Абдуразақова ва М.Аловуддиновнинг 900 АҚШ доллари, Х.Қорёғдиевнинг 800 АҚШ

Омонкелдиева Жиззах шаҳрида яшайди. Бор-йўғи ўрта маълумотли, ҳеч қаерда ишламайди, турмушга чиқмаган. Гап шундаки, М.Омонкелдиева иш қидириб юриб, Тошкент шаҳрида қонуний тарзда фаолият юритаётган "Asia Consult" масъулияти чекланган жамиятининг Жиззах шаҳридаги вакили М.Раҳимов билан танишиб қолади. Бу ўтган йилнинг март ойидаги гап. М.Раҳимов ушбу жамият абитуриентларни Ўзбекистон ва чет давлатлардаги олийгоҳларга ҳужжатларни жамлаш ва топширишда кўмаклашишни, ўқишни бир олийгоҳдан бошқасига кўчириш билан шуғулланишини тушунтиради. Шундан сўнг М.Омонкелдиева корхона норасмий менежер вазифасида ишлаб бошлади.

М.Омонкелдиева М.Раҳимов берган рўйхат асосида фуқароларга кўнғироқ қилиб чақириш, уларга корхона тўғрисида маълумот бериш билан атиги беш ой, М.Раҳимов хорижга ишга кетиб қолгунга қадар шуғулланади.

Шундан сўнг масъулияти чекланган жамиятининг Жиззах вилоятдаги фаолияти ҳам тўхтади. М.Омонкелдиева корхонага тегишли ҳужжатлар билан бирга муҳрни Чилонзор тумани худудида жойлашган масъулияти чекланган жамиятнинг бош офисига топширади.

У Тошкентдан қайтгач, кўнглида одамларни алдаб, уларнинг бойликларини фириб йўли билан эгаллашдек ғарз ният пайдо бўлади. У Жиззах шаҳар "Кимёгар" маҳалласи худудидаги кўп қаватли уйларнинг пастки қисмидаги савдо дўконлари-

**Куч — адолатда**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

**Бош муҳаррир:**  
Шодикул ҲАМРОЕВ  
Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Робохон МАХМУДОВА  
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ  
Замира ЭСОНОВА  
Азиз АБИДОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

**Саҳифаловчи:**  
Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ  
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Манзиллими:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Тел.: 71-278-82-26  
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-1115 Қўроғ бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда. Адади: 4143  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21<sup>30</sup>. Топширилди: 22<sup>00</sup>.